


Обуна индекси – 1323

الكتاب الديني • Ислам тафаккури • Исламская мысль • Islamic Thought

islom tafakkuri

ISSN 2181-9572



Ўқтамали Равшанов, Бухоро
давлат музей-кўриқхонаси Тарих илмий
бўлими мудири

Бухорода бўлган биринчи фотограф

Ўтмиш халқлари тарихини ўрганишда моддий манбалар катта аҳамиятга эга. Замонлар ўтиши билан инсонлар онги ривожланиб дастлаб қоятошларга, суяқ ва деворларга, кейинчалик эса тери, қофоз ва матоларга суратлар ишлаб, ўз тасаввурларини муҳрлашди. Уларга ишонишли, сигинишли. Инсоният дастлаб тошбосма (литография), кейинчалик ёзув машинкаси

(типография) орқали хаёлий билимларини моддийлаштириди.

Дастлаб к и “ла ҳза ни тўхтатиш” деб эътироф этилган фото суратлар XIX аср бошидан тарқалган бўлса, рангли суратлар ушбу аср иккинчи ярмига келиб ихтиро қилинди. Ушбу даврларгача миниатюраларда сақланиб келган “жонли тарих” Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Туркистон ўлкасида эндиликда фотосуратлар орқали давом эттирилди. XIX аср ўрталаридан Туркистон ўлкасига шарқшунослар, сайёхлар, элчилар ҳамда археологлар билан биргалиқда бир қанча рус ва европалик фотографлар ташриф буоришиди ва Ўрта Осиёда мавжуд бўлган кўплаб тарихий иншоотлар ва этнографик ҳолатларни кадрга муҳрлашди. Фотографлар учун Бухоро амирлари, уларнинг саройлари, тарихий обидалари, Бухоро

яхудийлари, табиати, этнографияси, савдо-сотиги, байрамлари, этник қиёфаси, тарихи жуда қизиқ бўлган. Уларнинг ноёб кадрлари орқали дунё халқлари Бухоро ҳакида янада кўпроқ, “жонли” маълумотларга эга бўлишди.

Бухорода бўлган шундай сайёхлардан бири император Александр II топшириғи билан 117

кишилик экспедиция (таркибида агент, унинг секретари, 2 та таржимон, 2 та генерал штаб офицери, 2 та топография корпуси офицери, 2 та шифокор, астроном, фотограф, генерал-губернатор вакили ва 2 та топографи, кўнгилли Санкт Петербург университети изланувчилари ва ҳарбий офицерлар бор эди¹) генерал штаб полковники Н.П.Игнатев (1832–1908) раҳбарлигига Оренбургдан Хива ва Бухорога 1858 йил май-ноябр ойларида уюштирилди. Экспедиция таркибида П.И.Лерх (шарқ халқлари билимдони) А.Ф.Можайский (дунёда биринчи самолётни лойиҳалаштирган, Орол ва Амударёнинг дастлабки таснифини берган), астроном К.В.Струве (астроном, экспедицияда географик жойлашувларни аниқлаган) ва икки шифокор ҳам бўлган.

¹ Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г. флигель-адъютанта полковника Н. Игнатьева. СПб. 1897 г. С. 244.



антон Степанович
Муренко

Экспедициянинг асосий мақсади Амударёда савдо ишларини олиб бориш, Хива хони ва Бухоро амири билан савдо шартномаларини тузиш ва инглизларнинг таъсирини камайтиришдан иборат бўлган. Аммо Хива хони савдо шартномасини тузмади. Элчилик Хивада мувафақиятсизликка учради ва сентябрь ойида Бухоро томон йўл олди. Бухорога ҳам бир неча талаб ва таклифлар билан келган карвоннинг мақсадларидан бири рус маҳбусларини озод қилишдан иборат эди (Хохлов ва Пазухин ҳам шундай вазифа билан келган) 1858 йилнинг 1116 октябрда олиб борилган музокаралар натижасида Н.П.Игнатев ўз мақсадларига эришди.

Ушбу экспедиция таркибида 21 ёшли Антон Степанович Муренко (1837–1875) ҳам фотограф сифатида иштирок этди. Экспедиция анжомлари орасида Муренконинг дагерротип аппарати ва турли инструментлари учун 6 та жавон ажратилган эди. Экспедициядан қайтгач 1861 йилда Саратовда фотоателе очди. Оренбург ва бошқа шаҳарлар, уларнинг турли кўринишларини илк маротаба суратга олди. Экспедиция олдидан фотографга бироз ишончсизлик билдирилган бўлса-да, унинг фотосуратлари биринчи бўлиб тарихда қолди.

Фотографнинг олган 28 та фотосурати 38x30 см ўлчамли альбом шаклида сақланган. Альбомга жигарранг жилд қилинган бўлиб, унга “Оренбургдан Хива орқали Бухорага. Летенант Муренконинг артиллерия расмлари” сўзлари битилган. Ушбу хизматлари учун Россия география жамиятининг кумуш медали билан тақдирланган². Ҳозирги вақтда ушбу альбом Россия Фанлар Академияси Моддий маданият тарихи институти фондида сақланмоқда (Инв. № 62433-62460). Ушбу суратларнинг дастлабки таснифини архив ходими Т.М.Devel келтирган³.

² Муренконинг фото суратлари дастлаб Т.М.Devel (1888–1980) томонидан 1957 йилда илмий муомалага киритилган.

³ Девель Т. М. Альбом фотографий миссии полковника Н.П. Игнатьева в Хиву и Бухару 1858 года//Страны и народы Востока/бош мухаррир М.Н.Боголюбов. СПб., 1994. Вып. XXVIII. География. Этнография. История. Культура. С.259–271.

Фотоалбомдаги икки сурат айнан Бухорога тегишили бўлиб, улар “Мирза Фозил” ва “Хукумат томонидан 1858 йилда озод қилинган Бухородаги рус маҳбуслари” деб номланади. 31 августда Хивадан чиққан элчиларни 19 сентябрда амир томонидан юборилган амалдор Мирза Фозил кутиб олади.

Суратда Мирза Фозил мусулмонча ўтирган, дастлабки фотосуратларга хос услубда қўллар енг ичида, эгнида пахтали чопон устидан енгил яктак кийган, соч олиб соқол ва мўйлов қўйган, бошида оддий шодокадан салла ўраган ҳолатда акс этган.

Элчилар кейин терилари билан машҳур Коракўл шаҳрига келишади. 22 сентябрда элчилар Бухоро шаҳрига келишганда, амир ҳали Кўкон билан урушда эди. Фақат 5 октябрдан уларга шаҳар бўйлаб ўз кийимларида



юришга руҳсат берилди⁴. Игнатев амирга божни камайтириш, товарларни тўғри баҳолаш, Амударёда эркин харакат қилиш, руслар учун алоҳида карвонсарой ажратилишини, савдо агентини қабул қилиш ва Россиялик маҳбусларни озод қилиш каби шартларни билдиради. Амир уларни 11 октябрь соат 4 да қабул қиласи. Элчилар ўз совғаларини(куроллар, соатлар, дурбин, гравюралар ва бошқалар) тақдим қилишди⁵. Амир Насрулло уларни зиёфатда яхши кутиб олди ва барча шартларига розилигини билдириди.

Бухоро ва Хивага рус асиirlари асосан Қозон, Уфа, Симбрскдан бошқирд, қалмиқ ва хивалик савдогарлар томонидан келтириб сотилган⁶. Улар асосан оддий дехқон ва ҳарбийлардан иборат бўлишган. Шундай қилиб, элчилик жами 11 кишини рус асиirlарини оиласлари билан, ислом динини қабул қилганларни ҳам озод қилди. Игнатев шрифтланган мактубида қолишни истаганларга руҳсат берганини ва 11 кишидан 8 киши амир

⁴ Залесов Н.Г. Посольство в Хиву и Бухару полковника Игнатьева в 1858 г./Русский вестник. 1871. №3. -С.424.

⁵ Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г. флигель-адъютанта полковника Н. Игнатьева. СПб. 1897 г. – С.233.

⁶ Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России//Соч. М., 1977. Т.IX. С. 372.



пиёда қўшинлари хизматида бўлғанлигини ҳам билдиради. Маҳбуслардан Федор Федотовда инглиз Стоддартдан олинган игна орқали ўз кони билан ёзилган диний бир варак ҳам бор эди (Игнатевнинг ёзишича, ушбу варак Стоддартнинг оиласига қайтарилган бўлиши керак). Инглизларнинг кўплаб буюмларини мазкур маҳбуслар пул учун сотиб юборишган эди.

Иккинчи фотосуратда озод қилинган рус асиirlар тасвирланган. Маҳбуслар ҳақида М.Н.Галкин қўйидагича маълумот келтиради:

1. Иван Марченков 45 ёшда, 1839 йилда қулликка тушган. Бухоро амирига совға қилинган. Амир ҳарамида сув ташувчи бўлган;
2. Корнил Суворов 45 ёшда, 1840 йилда қулликка тушган. Бухоро амирига совға қилинган.
- Амир армиясида элликбоши даражасигача кўтарилган;
3. Иван Ненилин 60 ёшда, 1840 йилда қулликка тушган. Бухоро амирига совға қилинган;
4. Василий Пшеничников 63 ёшда, 40 йил давомида қулликда бўлган. Сарбозликдан истеъфога чиқкан;
5. Павел Ярков 36 ёшда, 1844 йилда қулликка тушган. Бухоро амирига совға қилинган. Сарбозхонада хизмат қилган;
6. Федор Федотов 50 ёшда, 1837 йилда қулликка тушган. Бухоро амирига сотилган. Амир сарбозларидан бўлган⁷.
- Суратда яна бир 10-14 ёшлардаги рус миллатига мансуб ёш бола ҳам тасвирланган бўлиб, боланинг кийимидан унинг ҳам қулликка мансуб эканлигини

⁷ Галкин М. Н. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. СПб., 1868. – С.213242.

билиш мумкин. Амирлик қўшини таркибида доимо рус асиirlари хизмат қилишган. Ушбу фотосурат ҳам буни исботламоқда.

Амир 27 октябр эрта тонгда элчиларни жўнатаркан барчаларига совғалар бериб (Игнаевга аргумоқ эгари билан, Кашмир гилами, шойи халат ва белбог, қолганларга шойи ва чит халатлар), Россия билан доимий алоқаларни олиб бориш мақсадида улар билан Нажмиддин хўжа тўқсабони Россиядаги элчи сифатида юборди.

Ушбу жараёнларнинг иштирокчилари кўплаб хотиралар ёзишган. Уларнинг фикрларини эса фотограф А.С.Муренко олган фотосуратлари тасдиқлаб келмоқда. Альбомда мавжуд фотосуратлар сиёсий-топографик характерга эга бўлиб, буюртма асосида олинган. Бухорода олинган икки сурат ҳам бундан мустасно эмас. Муренконинг бошқа коллекцияларида этнографик жараёнларга, тарихий ёдгорликларга эътибор қаратганлигини кўришимиз мумкин. Аммо Ўрта Осиёда олинган дастлабки фотосуратларда бундай ҳолат кузатилмайди. Бунинг сабаби экспедиция қисқа вақтга режалаштирилганлиги, турли тазиикларга учраганлиги, кундузги вақтда ҳавонинг иссиқлиги, шунингдек, фотографнинг ёшлиги ва эркин фаолиятнинг чекланганлиги билан изоҳланади. Амирлик билан Россия ўртасида 1868 йилдан кейинги йилларда Бухорода бўлган фотографларда эса юқоридаги ҳолатларнинг у қадар кузатилмаслиги фотосуратларнинг характерида ҳам ўзгаришлар ҳосил қилди. 1858-1920 йиллар оралиғида Бухорода 40га яқин сайёҳ-фотографлар келишган. Ушбу фотографлардан баъзилари: Д.Ермаков, Н.Орде, Поль Надар, Дмитрий Кавказский, Леон Баршевский, О.Олуфсен, П.Горскийлар алоҳида коллекция яратищди. Шунга қарамай Муренконинг фотосуратлари Нафакат Бухорода, балки Ўрта Осиёда илк фототасвирлар бўлиб қолди.

МУНДАРИЖА

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

✓ З.Исломов. Ўрта аср манбаларида бухоролик муҳаддислар ҳақида	2
✓ Н.Муҳамедов. Шайх Умар Валий Богистоний ва унинг бухоролик устози Шайх Ҳасан Булғорий	6
✓ Г.Навruzова. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukhara sharif	9
✓ З.Зоиров. Ориф Ревгари - Бухорои шарифнинг иккинчи пири.....	13
✓ Д.Муродов. Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг мероси.....	16
✓ Қ.Жумаев, Н.Авлиякулова. Номини абадиятга муҳрлаган муаррих	20

МОЗИЙГА БИР НАЗАР

✓ Л.Асророва. Архив ҳужжатларида Бухоро зиёратгоҳлари масаласи	23
✓ М.Хўжаев. Заки Валидийнинг Бухоро илмий сафари тадқиқотлари	26
✓ З.Нажмидинов. Зандависатий асарларида ислом ilmларининг ўзаро үйғунлашуви	30
✓ Г.Таниева. XVI–XIX асрларда Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги муқаддас масканлар зиёрати тарихидан.....	34
✓ А.Болтаев. Мавлоно Яъқуб Чархий ўз устози Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисида	38
✓ Н.Абдулаҳатов. Бухоро амири табибининг хотиралари	41
✓ А.Тойиров, Ш. Аҳмедов. Қадим Бухоро – ислом маънавияти ўчоқларидан бири	45
✓ М.Қурбонова. Мучал бухороликларнинг тақвими, қадрли маросими.....	49
✓ И.Гафурова. Бухородаги ислом обидалари тарихига бир назар.....	52
✓ Д.Нурмуҳаммад, Ҳайсам ибн Кулайб Шошийнинг Бухоро ҳадис мактаби ривожида тутган ўрни	56
✓ Ў.Равшанов. Бухорода бўлган биринчи фотограф	60
✓ D.Ulmasova. Abdulxoliq Gijduvoniy taʼlimotida psixologik qarashlarning aks etishi.....	63
✓ Н.Жўраева. Роль святых мест в изучении топографии Бухары.....	66
✓ М.Ражапова. Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий ва унинг таълимоти	69
✓ M.Norova. Sayfiddin Boharziyning maʼnaviy merosi	76
✓ И.Ризаев. Bukhara the city of legend	79
✓ М.Нурматова. Имом Бухорий ва унинг издошлари	82
✓ Н.Усманова. Биновга шашнига ойнсан йиғдор до чистикони	



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси хузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Бош мухаррир:

Рустам Қосимов

Нашр учун масъул:

Иродоҳон ГАФУРОВА

Таҳир ҳайъати:

Шукрат Ёқочев
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Сайдакбар АЪЗАМХЎЖАЕВ
Зоҳидуллоҳ МУНАВВАРОВ
Нурислом ТЎХЛИЕВ
Аҳаджон Ҳасанов

Жамоатчилик кенгаши:

Усмонкон АЛИМОВ
Абдуғофур АҲМЕДОВ
Шоислом АКМАЛОВ
Камол КАРИМОВ
Дилшод ЭШНАЕВ

Инглиз тили мухаррири:

Барно ШАМСИМАТОВА

Рус тили мухаррири:

Вероника МЯКОТА

Бадий мухаррир:

Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

Техник мухаррир:

Зулфия АЛИМОВА

Чоп этиш учун масъул:

Илҳом АШУРМАТОВ